

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

462 Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
27 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2594-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунинг 5¹-моддасига, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга ва 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сон қарори билан тасдиқланган Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 30 майдаги 3-мб-сон қарори (рўйхат рақами 2594, 2014 йил 12 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 24-сон, 299-модда) билан тасдиқланган Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. ТУРАЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 12 август,
3-мб-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил
12 августдаги 3-мб-сон қарорига
ИЛОВА

Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-бандда:

учинчи хатбоши «шахсларнинг» деган сўздан кейин «ягона» деган сўз билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошидаги «статист» деган сўз «статистик» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 2-банднинг учинчи хатбоши «шахсларнинг» деган сўздан кейин «ягона» деган сўз билан тўлдирилсин.

3. 9-банддаги «шахслар» деган сўз «шахсларнинг ягона» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 12-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Билдиришномани тўлдириш қуйидаги ҳолатлар ва муддатларда амалга оширилади:

а) юридик шахсларни — тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар, юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилгандан кейин бир кун мобайнида;

б) юридик шахсларни — давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларни

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар, юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилгандан кейин икки кун мобайнида;

в) юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, қайта ташкил этиш, тугатиш жараёнидалиги, тугатиш жараёнининг тўхтатилганлиги, тугатилиши ва почта манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотлар, юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилгандан кейин икки кун мобайнида.

Регистратор томонидан тақдим этилган маълумотлар давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотлар ҳисобланади.».

5. 14 ва 15-бандлардаги «статист» деган сўз «статистик» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 20-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин: «почта манзиллари, телефон рақамлари, юридик шахсларнинг муассислари, давлат рўйхатидан ўтказилган тартиб рақами ва санаси (таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, ягона давлат реестридан чиқариш) тўғрисидаги маълумотлари.».

7. 21-банддаги «бепул» деган сўз «белгиланган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 22-банддаги «КТЯДРдан юридик шахс тўғрисидаги ахборотни олишлари» деган сўзлар «мазкур йўриқноманинг 20-бандида кўрсатилган ахборотларни бепул олишлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 1 ва 2-илова «М.Ў. (имзо)» деган сўзлардан кейин «ёки электрон рақамли имзо» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири*

Х. МИРЗАХИДОВ

2015 йил 12 август